

деб №16. 05. 24.01. 2022

ШАРТНОМА №1 №26-юр

(Олди-сонди тўғрисида)

“13” январ 2022 йил

Тошкент шаҳар

“WHEAT EXPORTS - INVEST” МЧЖ (кейинги ўришларда “Сотувчи” деб юритилади) Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Д.Ж.Аҳмедов бир тарафдан ва Тошкент вилояти Янгийул туманидаги “ВЮКИМУО” АЖ (кейинги ўришларда “Харидор” деб юритилади) Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари А.Р.Аликулов иккинчи тарафдан ушбу шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАМУНИ:

- 1.1. Мазкур шартномага асосан “Харидор” оладиган кишлок хужалик маҳсулоти (бугдой дон) учун олдиндан тўловни амалга ошириш мажбуриятини, “Сотувчи” эса “Харидор” га ушбу шартномада кўрсатилган кишлок хужалик маҳсулоти (бугдой дон)ни таъминлаб бериш мажбуриятини олади.
- 1.2. Шартномага мувофиқ етказиб бериладиган кишлок хужалик маҳсулоти (бугдой дон)ни миқдори қўйидаги тавсифномага асосан етказиб берилади:

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирл	Махс. миқд.	Маҳсулот тан нархи	Суммаси	ҚҚС	Жами суммаси
1	Бугдой дони (4 клас)	тн	500,000	3478,261	1 739 130 500	260 869 500	2 000 000 000
Жами		тн	500,000	3478,261	1 739 130 500	260 869 500	2 000 000 000

Шартнома жами баҳоси ҚҚС билан (сўз билан) **Икки миллиард сум**

II. МАҲСУЛОТ СИФАТИ, ТЎЛОВ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ.

- 2.1. Етказиб берилган маҳсулот сифати Давлат стандартларига мос бўлиши лозим.
- 2.2. Етказиб берилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб шартнома тузилган санадан бошлаб 5 банк куни давомида “Сотувчи”нинг ҳисоб-китоб рақамига 100 % олдиндан тўловларни амалга оширади.
- 2.3. Етказиб бериладиган маҳсулот билан “Харидор” ни таъминлаш пул ўтказилган санадан бошлаб 10 банк куни давомида амалга оширилади.
- 2.4. “Харидор” томонидан, етказиб берилган маҳсулотларни олиш “Сотувчи” нинг омборидан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 3.1. “Сотувчи” “Харидор”га етказиб бериладиган маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермаганлиги ёки беришдан бош тортганлиги учун, етказиб берилмаган кишлок хужалик маҳсулоти (бугдой дон)ни кийматининг кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.4%, лекин етказиб берилмаган кишлок хужалик маҳсулоти (бугдой дон)ни кийматининг 50 % дан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 3.2. Тўловларни кечиктиргани учун “Харидор” ҳар бир кечиктирилган кун учун, кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% миқдорда пеня тўлайди. Лекин бу пеня кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ошмаслиги керак.
- 3.3. Шартномада кўрсатилган миқдордаги етказиб берилган маҳсулот тўлик олмаганлиги учун “Харидор” “Сотувчи” га олинмаган маҳсулот кийматининг 25 % миқдорда жарима тўлайди.

Шартнома шартларини бошқача тарзда бўзганлик учун тарафлар "Хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунга асосан жавобгарлик белгиланади.

IV. Қўшимча шартлар ва низоларни ҳал этиш тартиби

4.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қондаларга кўра мустақил равишда судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар Суд тартибида ҳал қилинади.

V. ФОРС-МАЖОР

5.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда вазиятларда олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар (зилила, қургокчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дул, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли, шунингдек шартнома кучга киргандан кейин қабул қилинган қонунлар, Президент ва Ҳуқумат қарорларига асосан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса у жавобгар бўлмайди.

5.2. Ушбу шартнома шартларини бажарилишига тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма хабардор қилишлари шарт.

VI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга кирилади ва шартнома шартлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.

Шартнома тарафларнинг ҳар бири учун 1 нусхадан 2 (икки) нусxada тузилади ва барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

6.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“ Сотувчи ”

“ WHEAT EXPORTS - INVEST ” МЧЖ
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани
Манзил: Чорбоғ кучаси 1 А уй
Х/Р ; 20208000700945813001
Банк; Ипотека Банк Мехнат фил
ИНН 305874673 МФО 00423
НДС код ; 327150084200

Ахмедов.Д.Ж

М.У.



“ Харидор ”

“ ВЮКИМУО ” АЖ
Тошкент вилояти Янгийул шаҳар
Манзил: Кимёгар 1
Х/Р ; 20210000500129657001
Банк ; АТИБ Ипак йул Банки
Янгийул филиали
МФО 01081 ИНН 200468069

Аликулов.Р.А

М.У.

